

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистоннинг Гужарат штати делегациясини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 октябрь куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси Гужарат штати бош вазири Вижай Рупани бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Президентимиз меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, дўстлик ва стратегик шериклик мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар, жумладан, ўтган йилнинг октябрь ойида Дехли шаҳрига ва жорий йил январь ойида Гандинагар шаҳрига (Гужарат штатининг маъмурий маркази) амалга оширилган ташрифлар икки томонлама кўп қиррали муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилгани қайд этилди.

Вижай Рупани, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Юқори мартабали меҳмон Гужарат штати делегациясининг ташрифи доирасида Андижон, Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда ўтган учрашув ва музокаралар, аввало, олий даражада эришилган келишувларни кенг кўламда амалга оширишга кўмаклашишга қаратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Биотехнологиялар ва агрокластерлар, тўқимачилик, фармацевтика саноати, автомобиллар учун бутловчи қисмлар ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш, меҳмонхона инфратузилмасини бошқариш каби соҳаларда ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил Ўзбекистонда биргаликда очилган олий таълим муассасаларида ва Ҳиндистоннинг етакчи олий таълим даргоҳлари негизида талаб юқори бўлган муҳандислик-техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳамда Гужарат штатининг етакчи компания ва ташкилотлари ўртасида самарали

шерикликни ривожлантириш бўйича қўшма "йўл харитаси"ни тез фурсатда ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Учрашув сўнгида Вижай Рупани мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашда ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА